

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc/PhD.04/30.12. 2019.Tib.93.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АЛИЕВ НАВРУЗ ХАСАНОВИЧ

**ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ НОАРТИКУЛЯР
ПАТОЛОГИЯСИНИ ТАШХИСЛАШНИ ВА ДАВОЛАШНИ
МУКАММАЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Алиев Навруз Хасанович

Чакка-паски жағ бўғимини ноартикуляр

патологиясини ташхислашни ва даволашни мукаммалаштириш 3

Алиев Навруз Хасанович

Совершенствование методов лечения и

диагностики неартикулярной патологии

височно-нижнечелюстного сустава 19

Aliyev Navruz Hasanovich

Improvement of methods of treatment and

diagnosis of non-articular pathology of the

temporomandibular joint 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 40

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc/PhD.04/30.12. 2019.Tib.93.01**

РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АЛИЕВ НАВРУЗ ХАСАНОВИЧ

**ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ НОАРТИКУЛЯР
ПАТОЛОГИЯСИНИ ТАШХИСЛАШНИ ВА ДАВОЛАШНИ
МУКАММАЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Tib1434 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Гаффаров Суннатулло Амруллоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Шукурова Умида Абдурасуловна
тиббиёт фанлари доктори

Маҳкамов Мохир Эргашевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Абу Али ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети (Тожикистон)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ кунини соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кунини тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н.Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда чакка-пастки жағ бўғимдаги оғриқли дисфункция бўлган беморларда бўғим, кулоқ, чакка соҳаси ва бош оғриқлари, пастки жағ ҳаракатланиши доирасида чекланиши, қарсиллаш, ғарчиллаш, сиқилиш ҳолатларидан шикоятлар кўпроқ кузатилиб, ухлаш вақтида пастки жағ учун қулай ва тинч ҳолатни тополмасликдан шикоят қилишади. «Чакка пастки жағ бўғими касалликлари турли-туман этиологик омиллар таъсирида шаклланади ҳамда стоматологик ва артрологик касалликлар орасида етарлича кенг тарқалган. Улар орасида дисфункционал ҳолатлар, чакка-пастки жағ бўғимининг артикуляр патологиялари хисобланган артритлар, артрозлар, анкилозлар ва уларнинг уйғунликдаги шакллари фарқланади»¹. Бу ҳолат беморларнинг хавотирига сабаб бўлади; кайфияти тушқинлигига, иштаҳа йўқолишига, уйқунинг бузилишига, касалликдан тузалишга ишончсизликга олиб келади. Чакка-пастки жағ бўғими ноартикуляр патологиясини ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон миқёсида чакка-пастки жағ бўғими патологияларининг диагностикаси учун кўп ҳолларда, магнитли резонанс томографиядан фойдаланиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни кўпроқ кузатсакда, айни вақтда резонанс томографияни тез-тез қўллашни тавсия этмаслик, бўғим диски силжиш ва қўзғалувчанлик даражаси тўғрисида тўлиқ маълумот ололмаслигимиз, бу усулни ўтказишга қарши кўрсатма хисобланадиган (клаустрофобия) касаллиги бор бўлган беморлар каби қатор самарасиз натижалар бериши аҳамиятлидир. Сурункали психологик травмалар (сурункали стресс), даволанувчининг психик ҳолати, тишларини нотўғри даволаши оқибатида ҳосил бўлган оғриқли синдромлар, бемор ва ижтимоий омилларга беморнинг потенциаллари ўзгаришлари ҳам ушбу патология шаклланиши билан ўзаро чамбарчас боғлиқ. Айни вақтда ноартикуляр тавсифга хос бўлган тананинг ички аъзолари касалликлари ва ташқи омиллар таъсиридан келиб чиқадиган чакка-пастки жағ бўғими патологияси, бўғим дискининг силжиши ва иккиламчи оғриқли синдромларни вақтида аниқлаб ташхис қўйиш ва даво режасини тузиш муаммолари кузатилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тимзимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон талабларига тенглаштириш борасида мақсадли ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган, сиёсий-стратегик, иқтисодий-ижтимоий соҳаларда мавжуд муаммоларни тубдан ҳал қилишга қаратилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишида белгилаб берилган, жумладан «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва

¹ Хватова В.А. Заболевания височно-нижнечелюстного сустава - М.: Медицина, 2008. – С. 157.

даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш...»² каби вазифаларни ўз ичига оладиган чора-тадбирларни санаб утишимиз мумкин. Ушбу вазифаларни амалга оширишда тиббиёт соҳасида, айниқса стоматологияда чакка-пастки жағ бўғими да кузатилаётган ноартикулар паталогияларни бартараф этиш мақсадида шу паталогиялар билан огриган беморларда диагностика, даволаш ва профилактикасини мукамаллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ–4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, чакка-пастки жағ бўғими оғриқли синдромлари бемор ёшига, ҳаёт тарзига, ижтимоий шароитига, юзнинг морфологик шаклига боғлиқлиги тугрисида ҳам тадқиқотлар мавжуд.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чакка-пастки жағ бўғими касалликлари полиэтиологик тавсифга хос ва бўғим ҳаракатидаги дисфункционал ҳолатлар, артритлар, артрозлар, анкилозлар ва уларнинг бир вақтда кузатилишидаги уйғунликлари фарқланади. Илмий манбаларда чакка-пастки жағ бўғими касалликлари тарқалиши стоматолог мутахассисга ёрдам сўраб мурожаат қилган барча беморларнинг 27-76% ида кузатилиб, шундан аксарият ҳолатларда – 85-90% гача бўғим паталогиясининг ноартикуляр дисфункциясининг оғриқли синдром шакллари учрайди (Фадеев Р.А., 2015).

Чакка-пастки жағ бўғими оғриқли дисфункцияси синдромларининг кенг тарқалиши беморлар ёши, ҳаёт тарзи ва ижтимоий шароити, овқат чайнаш тизимидаги морфологик ҳолат каби омилларнинг ўрни ҳақида ҳам қатор тадқиқотлар мавжуд (Кудрявцева О.А., 2010; Олимов С.Ш., 2019).

Қатор илмий тадқиқотларда окклюзион юза ва нейромушак паталогиялари, чакка-пастки жағ бўғими ва чайнов мушаклари дисфункцияси бир вақтда касалликнинг асосий ривожланиш омили бўлиб ҳисобланади (Саидов А.А., 2020).

Ҳозирги кунгача чакка-пастки жағ бўғими паталогиялари, артрозлар, артритлар ва артритоартрозларга фарқланилса, бошқа муаллифлар бу паталогияларни этиопатогенези асосида фарқлашни – артикуляр ва ноартикуляр турларига ташхислаш, даволашда самарали натижага гаров бўлишини таъкидлашади (Лебеденко И.Ю., 2011). Чакка-пастки жағ

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармон

бўғимининг оғриқли дисфункциясини ташхислаш, даволаш ва профилактикасини амалга ошириш, такомиллаштириш кўшимча тадқиқотларни талаб қилади, бу ушбу ишнинг мақсад ва вазифасини аниқлаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 02.20.21. PhD.120 «Бухоро минтақаси иссиқ иқлимли шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикаси бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2017-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади чакка-пастки жағ бўғими касалликларининг ноартикуляр тавсифдаги дисфункцияларининг диагностикаси ва даволаш самарадорлигини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чакка-пастки жағ бўғим соҳасидаги келиб чиқадиган касалликларни учраши даражасини ўрганиш, ноартикуляр характериға эға бўлган чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилишларида тиббий-ижтимоий омиллар ўрнини баҳолаш;

ноартикуляр характердаги чакка-пастки жағ бўғим фаолиятидаги бузилишларни ташхислаш ва даволашда қўлланилган клиник-функционал усуллар самарадорлигини таҳлил қилиш;

чакка-пастки жағ бўғимларининг ноартикуляр оғриқларини ташхислаш ва даволашда самарали усулларни асослаш;

чакка-пастки жағ бўғими ноартикуляр касалликларини ташхислаш ва даволашда тиббиётнинг турли ихтисосликдаги мутахассислари ёндашуви ўртасидаги боғлиқликни кетмакетлигини яратиш ва асослаш;

ноартикуляр чакка-пастки жағ бўғими оғриқли касалликларининг этиопатогенезига асосланган комплекс, стоматологик, неврологик, психологик, ижтимоий омилларға таянган даволашни амалий соғлиқни сақлаш тизимиға тадбиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018 йилдан 2020 йилгача бўлган давр мобайнида Бухоро давлат тиббиёт институтининг ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси ҳамда Бухоро вилоят стоматология поликлиникасида ЧПЖБ ноартикуляр патологиялари билан мурожаат қилган 167 нафар 40 ёшдан 60 ёшгача бўлган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Чакка-пастки жағ бўғими ноартикуляр дисфункцияси кузатилган беморларнинг клиник сурати, юз-жағ соҳаси мушак ва суяк тўқималари, компьютер томографияси, телерадиография, сирт электромиография, электросонография ва "Лира-100" ускунаси маълумотлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотд; стоматологик, клиник-функционал, ижтимоий, статистик, неврологик ва психологик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қиёслашда юз-жағ соҳаси тўқималарида кузатилиши мумкин бўлган симптомларни инобатга олган ҳолда, чакка-пастки жағ бўғимида ноартикуляр характердаги фаолият бузилишларини ташхислаш ва клиник ташхис мезонлар аниқланган;

чакка-пастки жағ бўғими ноартикуляр характердаги фаолият бузилишларида юз-жағ соҳасидаги нейромушак тўқималар салбий ўзгаришларига клиник жихатидан фаолият бузилишларига баҳо беришда этиопатогеник мезонларга асосланган ташхислаш ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган.

чакка-пастки жағ бўғими ноартикуляр характердаги фаолият бузилишларига ташхис қўйишда, клиник-ташхис синамалари, тиббий-ижтимоий, тиббий-руҳий маълумотларидан фойдаланиш, шунингдек инструментал ва параклиник ускуналардан биргаликда фойдаланиш самарали эканлиги ҳамда бир-бирини тўлдириши, даволашда ижобий натижа берганлиги асосланган;

чакка-пастки жағ бўғими оўриқли дисфункцияси билан оғриган беморларга ташхис қўйиш ва даволаш методологиясининг самарадорлиги стоматологлар, невропатологлар, психиатрлар билан биргаликда бўғимларнинг, юзнинг нерв-мушак мажмуаси ва беморнинг характердаги симптоматик аломатлар ва синдромларни ҳисобга олишга асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

юз-жағ соҳасидаги нейромушак тўқималари фаолияти бузилишларининг оғриқли симптомларини ташхислашда, функционал-ташхис синамалари, тиббий ускуналардан ўз ўрнида, тўғри ва кенг фойдаланиш, турли ихтисосликдаги мутахассисларнинг ҳамкорликдаги ёндошуви чакка-пастки жағ бўғими касалликлари ноартикуляр характердаги фаолият бузилишларини қиёсий фарқлаш имкониятини кенгайтириш тавсия этилган;

чакка-пастки жағ бўғими патологияларида ташхислашни мукамаллаштириш, қўшимча инструментал текширувлардан фойдаланишнинг самарали асосларини яратиш, клиник-функционал синамаларнинг комбинациялашган турларини яратилиши ва мутахассисларга етказилиши, нафақат шаҳар марказларида, вилоят, туман, қишлоқ тиббиёт муассасаларида муттаҳассисларни тайёрлашга ва жиҳозлашга тавсия этилган.

чакка-пастки жағ бўғими патологияларида клиник-функционал синамалар билан биргаликда инструментал ускуналардан - магнитли резонанс томография, телерентгенаграфия, рентгенаграфия кенг фойдаланиш бўғим бошчаси зарарланиш даражасини, дискнинг ҳажмини, деформация тури ва силжиганини аниқлаш имконини бериши аниқланган;

чакка-пастки жағ бўғими патологияларида тиббий инструментлари ва турли ихтисослик мутахассисларини жалб этиб ташхис қўйиш ва даволаш бўғим ички патологик бузилишларида патологиянинг оғирлик даражасини, тавсифи патогенезини аниқ ажратишга имкон берган ва даволаниш самарадорлигини оширган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жихатдан

тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, лаборатор статистик ва инструментал усуллар, маҳаллий ҳамда халқаро муаллифлар маълумотлари билан таққослангани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чакка-пастки жағ бўғими нинг ноартикуляр фаолият бузилишларидан келиб чиқадиган оғрикли синдромларида текшириш, ташхис қўйиш ва даволашда такомиллаштирилган алгоритмга асос солинди – стоматолог, невропатолог, психиатр, социолог, функционалист каби мутахассисларнинг биргаликдаги ҳаракати ва инструментал – магнитли резонанс томография, телерентгенаграфия рентгенологик текширишлар натижаларига асосланиши ва даволашда аамарадорликни имкониятларини кенгайтириши изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тавсия этилган умумлашган ташхислаш ва даволаш усули соғлиқни сақлашнинг турли поғоналарида мавжуд стоматологик хоналарнинг ихтисосликдаги мутахассислар билан, тиббий инструментал жихозлар билан таъминлашга йўрдам беради, натижада чакка-пастки жағ бўғимининг патологиялари билан мурожаат этаётган беморларга ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволашга кенг имконият изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чакка-пастки жағ бўғими ноартикуляр дисфункцияси мавжуд беморларга стоматологик ёрдам кўрсатиш учун олинган илмий натижаларга асосида:

чакка-пастки жағ бўғими ноартикуляр дисфункциялари мавжуд беморларни ташхислашни мукаммаллаштириш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Чакка-пастки жағ бўғимининг ноартикуляр паталогиясини ташхислашни мукаммаллаштириш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 июндаги 8н-д/181-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсияномани амалиётга тадбиқ қилиш натижасида ЧПЖБ ноартикуляр дисфункция синдромларини клиник кечиши ва ташхисий белгиларини аниқ фарқлаш имконини берган;

чакка-пастки жағ бўғими ноартикуляр дисфункция паталогиясида даволаш чора тадбирларни оптимизациялаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Чака-пастки жағ бўғимининг оғрикли синдромида даволашни оптималлаштириш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 июндаги 8н-д/181-сон маълумотномаси). Натижада чакка-пастки жағ бўғими ноартикуляр дисфункцияси синдромларини самарали даволаш имконини берган;

чакка-пастки жағ бўғими ноартикуляр дисфункцияси синдромларида ташхислашни мукаммаллаштириш ва даволашни оптимизациялаш ва профилактик жараёнларидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиғи, Ёждувон, Вобкент, Ромитан туман тиббиёт

бирлашмалари ва Когон шаҳар стоматология поликлиникаси амалиётга тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 17 сентябрдаги 08.09/12313-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши даволаш самарадорлигини ошириш, беморларни стационарда қолиш муддатини қисқартириш ва асоратлар сонини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Аадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 102 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, оммалаштирилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Чакка-пастки жағ бўғимида оғриқ дисфункцияси ҳосил бўлишининг этиологияси, клиникаси ва ташхисига замонавий қарашлар»** диссертациянинг танланган мавзуси бўйича чет эл ва мамлакатимиз тадқиқотчиларининг илмий тадқиқотлари натижалари таҳлил қилинган. Маҳаллий ва хорижий олимларнинг энг замонавий илмий ютуқларининг таҳлили келтирилган. Бу муаммони ҳал этишга жаҳон олимларининг ёндашувини акс эттирувчи адабиётлар тавсифи берилган. Чакка-пастки жағ бўғимидаги оғриқли дисфункцияси синдроми билан оғриган беморларни даволаш усуллари чуқур таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Чакка-пастки жағ бўғими ноартикуляр патологиясини ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш материал ва усуллари»** клиник материалга тавсиф ва фойдаланилган усуллар батафсил баён этилган. Белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун Бухоро давлат тиббиёт институти стоматология ўқув-илмий-амалий маркази ҳамда Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси базаларига даволаниш учун мурожаат қилган 40 ёшдан 60 ёшгача бўлган 167 нафар чакка-пастки жағ бўғими оғриқли синдром дисфункцияси билан

касаланган бемор текширилган. Улардан 45 нафари ўрта маълумотли, 55 нафари ўрта махсус ва 67 нафари олий маълумотли, шундан 1-гурухга юзнинг пастки учдан бир қисми баландлигининг пасайиши (окклюзион-артикуляцион синдроми) ташхиси қўйилган 90 нафар бемор, уларнинг ўртача ёши $48,8 \pm 4,43$ йил. Жумладан 25 нафар ўрта маълумотли, 30 нафар ўрта махсус ва 35 нафар олий маълумотли. 2-гурухга беморлар юзининг пастки учдан бир қисми баландлиги ўзгармаган беморлар (нейро-мушак синдроми) ташхиси қўйилган 77 нафар бемор, ўртача ёши $50,4 \pm 2,22$ йил. Жумладан 20 нафар ўрта маълумотли, 25 нафар ўрта махсус ва 32 нафар олий маълумотли.

Социологик тадқиқот учун: ўрганилаётган беморларнинг психологик, неврологик ва функционал характериини ўрганиш мақсадида беморларни даволашдан олдин ва кейин оғриқнинг визуал ўлчов аналоги (Пузин М.Н. 1997) ва (McGill Pain Questionnaire) сўровномаларидан фойдаланиб, оғриқ ҳисларининг фаоллиги ва характериини аниқлашга қаратилган махсус сўровлар ўтказилган.

Беморларнинг тадқиқоти маълум схема бўйича ўтказилган ва шикоятларни аниқлаш, беморнинг ҳаёт ва касаллик анамнезини йиғиш, оғиз бўшлиғи ва жағ-юз соҳасининг кўриги ва бошқалар ўтказилган. Клиник текширув 2000-йил БЖССТ тавсиялари асосида ўтказилган. Ҳар бир бемор учун стоматолог бемор картаси тўлдирилди, шикоятлар аниқланиши ва анамнез тўпланиши ўтказилди, умумий клиник ва махсус тадқиқот усулларининг маълумотлари киритилган.

Клиник суратга олиш учун Canon фирмасининг EOS-1100D макрообъективи ва циркуляр ёритқичли фотоаппаратдан фойдаланилган. Оғиз ичи суратлари бешта позицияда олинди (одатий окклюзияда олддан, чапдан ва ўнгдан кўриниши, юқори ва пастки окклюзия сурати); беморнинг ташқи профили ва юзи табассум ва табассумсиз. Суратлар даволаш режалаштириш ва даволашдан кейинги натижаларни солиштириш мақсадида олинган.

Тиш қаторларининг компьютер томографияси тишларнинг жойлашуви ва ҳолатини аниқлаш мақсадида компьютер томографидан фойдаланиб ўтказилди, окклюзия текисликларининг деформацияси, суяк тўқимасининг даражаси ва жағларнинг ассиметрияси, бошчалар шакли, пастки жағ шохларининг узунлиги ва шакли баҳоланган.

Бош суяги юз бўлимининг шакли ва тузилишини, жағларнинг фазовий жойлашувини, тишларнинг бош суягининг асосига нисбатан оғишини аниқлаш учун телерентгенография ўтказилган, аномалияларнинг асосий жойлашуви аниқланди, юз юмшоқ тўқималарининг юз суяги билан нисбати ўрганилган. ТРГ ёрдамида юқори ва пастки жағнинг сагиттал йўналишдаги нисбати, ҳолати, ўлчами, оғиши ва йўналишлари каби цефалометрик кўрсаткичларини ўрганилган.

Тадқиқот ва даволашнинг функционал усуллари Бухоро давлат тиббиёт институти “Ортопедик стоматология ва ортодонтия” кафедраси базасида «Лира-100» янги аппарат-диагностик комплексидан фойдаланиб ўтказилган.

Сирт электромиографияси – ноинвазив тадқиқот усули, уни беморлар яхши қабул қилади, бу бир ташрифнинг ўзида турли функционал

намуналарда 12 ва ундан ортиқ мушакларни ўрганиш имконини берди (тинч ҳолат, тиш қаторларининг сиқилиши, ихтиёрий чайнаш, ютум ва бошқалар). Олинган натижаларни таққослаш учун юза электромиографияси муолажасини тери орқали электронейростимуляциядан олдин ва кейин, шунингдек тиш қаторларини ажратувчи каппалардан 6 ва 12 ой фойдаланилгандан сўнг ўтказилган.

Чакка-пастки жағ бўғими электросонографияси – бўғимлар соҳасида сирт тебраниши ва шовқинларни қайд қилиш юқори таъсирчанликка эга енгил микрофонлар ёрдамида ўтказилган, улар чакка-пастки жағ бўғими соҳасида тери юзасига ўрнатилган. Тадқиқот оғизни очиш ва ёпишнинг бир неча циклида ўтказилган.

Беморларнинг клиник-психопатологик ҳолатини баҳолаш усуллари қуйидаги тестларни ўз ичига олувчи клиник ўлчов асосида ўтказилган: шахсни кўпомилли қисқартирилган сўровномаси, Бек депрессия ўлчови, Спилбергер хавотир ўлчови, адоват ўлчови, Торонтонинг алекситимия ўлчови. Беморларнинг ҳаёт сифати Nottingham Health Profile (Hunt S. et al., 1981, Саркисян Э 2016) ўлчови ёрдамида баҳоланган.

Гуруҳли когнитив хулқ-атвор психотерапияси жами 12 сеансда, ҳафтасига 2 марта 10-12 бемордан ташкил топган гуруҳда психотерапевт томонидан ўтказилган. Гуруҳдаги машғулотлар давомийлиги 1,5-2 соат давом этди. Биринчи учрашувлар ҳафтасига икки марта, кейингилари – ҳафтасига бир мартадан ўтказилган.

Махсус мослаштирилган гуруҳли когнитив ҳатти-ҳаракатлар психотерапиясидан фойдаланилган. Дастлаб беморларга гуруҳли когнитив ҳатти-ҳаракатлар психотерапиясининг моҳияти тушунтирилган. Улар “АВС” схемаси билан танишди, бунда А – фаоллаштирувчи ҳодиса, В – ҳодисани қабул қилиш, С – ҳиссий реакция ва ҳатти-ҳаракатлар. Беморларга уларнинг ҳиссий ноқулайлик ва дисфункционал ҳатти-ҳаракатларини келтириб чиқарган ҳодисалар тўғрисидаги тасаввурлари реаллик эмас, текширилиши, қатор ҳолатларда эса ўзгартирилиши лозим бўлган тахминий тасаввурлар ҳисобланиши тушунтирилган. Кейин “автомат” фикрлар ва улар билан боғлиқ ҳиссий ва ҳатти-ҳаракатлар реакциясини аниқлашга йўналтирилган иш олиб борилган. Таҳлил йўли билан “автомат” фикр реал эмаслиги аниқланганида, тўғри ва асосли фикрлар топилди. Худди шу тарзда тўғри фикрларни аниқлаш, ишончилигини текшириш ва шакллантириш бўйича ишлар амалга оширилган.

Психотерапиянинг натижаси беморда автомат фикр ва тушунчаларни англаш маҳоратини шакллантириш, уларни баҳолаш ва улар билан курашиш, кейинчалик конструктив фикрларга трансформациялаш бўлган. Ўтказилган гуруҳли когнитив хулқ-атвор психотерапияси аниқ тузилган. Бемор когнитив терапия ўтказиш бўйича махсус ишлаб чиқилган қисқа қўлланмага эга бўлган. Ҳар бир беморга функционал-диагностик намуна натижаларидан фойдаланиб мушакнинг дискординацияли бузилишига боғлиқ равишда миогимнастик машқларни индивидуал режаси ишлаб чиқилган. Беморларга машқларни бутун даволаш даври давомида кунига 10 дақиқадан беш марта, ҳар ҳафта бажариш тавсия этилган.

Тадқиқот материалларига параметрик ва нопараметрик таҳлил усуллари ёрдамида статистик ишлов берилган. Дастлабки маълумотларни тўплаш, тузатиш, тизимлаштириш ва натижаларни визуаллаштириш Microsoft Office Excel 2010 электрон жадвалларида амалга оширилди. Статистик таҳлил IBM SPSS Statistics v.23 дастури (IBM корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган) ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Чакка-пастки жағ бўғимида оғриқ дисфункциясининг этиологик омиллари**» 1 ва 2 гуруҳларидаги чакка-пастки жағ бўғимнинг оғриқ дисфункцияси мавжуд беморларнинг 2 йилгача бўлган муддатдаги ўрганиш натижалари келтирилган.

Инсонларда юзнинг пастки учдан бир қисми баландлиги пасайиши, юқори психоневрологик юкланиш ва ҳаёт сифати ёмонлашуви негизида чакка-пастки жағ бўғими оғриқ синдроми объектив текширувлар натижасида аниқланган. Энг замонавий ва оммабоп усул сифатида Дворкин ва бошқалар (1992) томонидан таклиф қилинган биопсихосоциал моделдан фойдаланилган. Мазкур концепция беморларнинг биологик ва психологик муаммолар ҳамда ижтимоий омиллар билан шуғулланиши кераклигини эътиборга олади.

Тадқиқотда иштирок этаётган беморлар чакка-пастки жағ бўғимининг оғриқли дисфункцияси ривожланишининг сабаблари ҳақида гапириб, ўтказилган протезлаш, тишлов аномалияси, кўп чайнаш, тишларнинг йўқотилиши, юз-жағ соҳаси жароҳати деб айтишди. Баъзи беморлар ҳатто пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати да тез-тез ҳосил бўлувчи яллиғланиш касалликлари, чайнов тишларининг олиниши каби сабабларни ҳам келтиришган. Бошқа беморлар касаллик белгилари ҳам ортопедик, ҳам терапевтик тиш даволашдан сўнг пайдо бўлганлигига урғу беришди. Беморларнинг бир қисми, аксинча, касаллик белгилари ўз вақтида ёки бошқа сабаблар туфайли стоматолог ёрдамига мурожаат қилмаганларининг натижасида касаллик белгилари пайдо бўлишини кўрсатган. Шунинг таъкидлаш керакки, беморларнинг бирортаси чакка-пастки жағ бўғими оғриқли дисфункцияси ҳосил бўлишига олиб келувчи сабаб ёки қўзғатувчи омил сифатида руҳий стрессни мустақил айтмаганлигини айтиб ўтиш лозим. Сурункали стресс мавжудлиги ҳаёт тарихи ёки касаллик анамнезини тўплашда аниқланган.

Келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, беморлар кўпинча бузилиш келиб чиқишини чайнов тишларининг йўқотилиши ва ўтказилган протезлаш билан боғлаган. Энг кам хавф омили сифатида оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва пародонтнинг яллиғланиш касалликлари ҳамда стоматологик терапевтик даволаш натижасида баҳоланган. Юз жағ соҳаси травмаси ва чайнов тишларининг травматик йўқотилиши каби омилларни ҳам унутмаслик лозим (1-жадвал)


Беморларни стоматологик текширувидан сўнг: тиш қаттиқ тўқималарининг патологик едирилиши (80%), кариес (90%), оғирлашган кариес (56%), пародонтнинг яллиғланиш касалликлари (70,6%), пародонтоз (13%), оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари (12%), талабларни қондирмаган ортопедик конструкциялар (62%), галитоз (46%) аниқланди. Бу

маҳаллий омилларнинг маълум ролидан, шунингдек, беморлар стоматологга ёрдам сўраб доимий муружаат қилмаганлигидан гувоҳлик қилган (1-расм).

1-жадвал

Беморларнинг чакка-пастки жағ бўғими оғриқ дисфункцияси пайдо бўлишига боғлиқ сабаблари

Сабаблари	1 гуруҳ, n=90		2 гуруҳ, n=77		Беморлар сони	
	Abs	M±m,%	Abs	M±m,%	Abs	M±m,%
Протезлаш	33	36,67±5,08	27	35,06±5,44	60	35,93±3,71
Тишлов аномалиялари	10	11,11±3,31	11	14,29±3,99	21	12,57±2,57
Чайнов тишларининг йўқотилиши	34	37,78±5,11	31	40,26±5,59	65	38,92±3,77
Юз жағ соҳаси травмаси	5	5,56±2,41	0	0,00±0,00	5	2,99±1,32
Чайнов тишларининг травматик йўқотилиши	4	4,44±2,17	8	10,39±3,48	12	7,19±2,00
ОБШҚ ва пародонтнинг яллиғланиш касалликларида	1	1,11±1,10	0	0,00±0,00	1	0,60±0,60
Стоматологик терапевтик даволаш	3	3,33±1,89	0	0,00±0,00	3	1,80±1,03
Жами:	90	100,0±0,00	77	100,0±0,00	167	100,0±0,00



1-расм. Чакка-пастки жағ бўғими оғриқ дисфункцияси бўлган беморларни стоматологик текшириш.

Чакка-пастки жағ бўғими оғриқ дисфункциясига эга барча беморлар психологик дезадаптациянинг у ёки бошқа белгиларини кузатишди.

Айтиб ўтилганидек, анамнез йиғишда аксарият беморларда стресс омили аниқланди. Ижтимоий-маиший шароитдан, шунингдек тиш қаторлари, юзнинг пастки бўлимидан қониқиш ҳосил қилмаслик, беморлар жаҳлдор, хавотирли, ўзидан қоникмайдиган, стоматологик даволаш муваффақиятига ишонмайдиган бўлишига олиб келади. Буларнинг барчаси стоматолог-шифокорга ташхис ва даволаш чораларини ўтказишга ҳалал беради. Пасайиб бораётган тишловни даволаш жараёни стоматолог-шифокорга бир неча бор ташриф билан чекланмаслигини эътиборга олиш лозим. Аксарият ҳолатларда даволаш ойлар давом этади. Руҳияти ўзгарувчан беморлар вақтинча қўйиладиган ортопедик конструкциялар, олиб қўйиладиган протезлашга қийин мослашади.

Тадқиқотга киритилган барча беморларни шахсни кўпомилли қисқартирилган сўровномаси профилининг баландлигига боғлиқ равишда тақсимлаш таҳлили уч кичик гуруҳни ажратиш имконини берди: а) энгил психологик дезадаптация (барча клиник ўлчовлар бўйича кўрсаткичлар 50-60 Т-балл диапазонда жойлашган) – 63% беморлар, б) мўътадил ифоғрик дисфункцияси аланган (бир ёки ундан ортиқ клиник ўлчовлар бўйича кўрсаткичлар 61-65 Т-баллар оралиғида) – 25% бемор, в) ифоғрик дисфункцияси аланган психологик дезадаптация билан (бир ёки ундан ортиқ клиник ўлчовлар бўйича кўрсаткичлар 65 Т-баллдан юқори) – 12% бемор (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Беморларнинг шахсни кўпомилли қисқартирилган сўровномаси профили баландлигига қараб тақсимланишини таҳлил қилиш

Психологик бузилиш белгилари	1 гуруҳ, n=90		2 гуруҳ, n=77		Беморлар сони	
	Мут	М±m	Мут	М±m	Мут	М±m
Энгил психологик дезадаптация	60	66,67±4,97	45	58,44±5,62	105	62,87±3,74
Мўътадил ифодаланган	21	23,33±4,46	21	27,27±5,08	42	25,15±3,36
Ифодаланган психологик дезадаптация билан	9	10,00±3,16	11	14,29±3,99	20	11,98±2,51
Жами:	90	100,0±0,00	77	100,0±0,00	167	100,00±0,00

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Юз пастки қисми баландлигининг пасайиши негизда ҳосил бўлган чакка-пастки жағ бўғими оғриқли дисфункциясини даволаш натижалари» юз пастки қисми баландлигининг пасайиши негизда ҳосил бўлган чакка-пастки жағ бўғими оғриқли дисфункцияси мавжуд беморлар учун даволаш чораларининг натижалари келтирилган.


Ортопедик даво олган барча беморлар даволаш курси охирига келиб ҳолат динамикасига қараб икки кичик гуруҳга: респондентлар ва нопреспондерларга бўлинган.

Даволаш сўнг респондентларнинг кичик гуруҳига белгиланган вақт оралиғидаги даволаш пайтида ўз ҳолати сезиларли яхшиланган (оғриқ интенсивлиги визуал ўлчов аналогига кўра 30% ёки ундан кўп камайди) беморлар киритилган. Нопреспондерларнинг кичик гуруҳи визуал ўлчов аналогига кўрсаткичлари камроқ камайган ёки ўзгаришсиз қолган беморлар ташкил қилди.

Шундай қилиб, беморларнинг 1-гуруҳида стоматологик даволаш якунланганидан кейин беморлар юз пастки қисми баландлигининг кўтарилиши бошланғич босқичида респондерлар ва нопреспондерлар нисбати мос равишда 15 ва 75 бўлди (оғриқли синдром мос равишда 17% ва 83%).

Ортопедик даволаш ўтказилганидан 6 ой ўтиб қуйидаги натижалар олинди: респондерлар гуруҳини 60 нафар бемор (66,6%), нопреспондерлар гуруҳини – 30 нафар бемор (33,4%) ташкил қилди.

Ўтказилган ортопедик даволашдан 12 ой ўтиб қуйидаги натижалар олинди: респондерлар гуруҳини 85 нафар бемор (94%), нопреспондерлар гуруҳини – 5 нафар бемор (6,0%) ташкил қилди (2-расм).




2-расм. ЧПЖБ оғриқли синдроми мавжуд 1-гуруҳдаги беморларда ортопедик даволанишдан сўнг чакка-пастки жағ бўғими оғриқ дисфункцияли беморларнинг психоэмоционал ҳолати

2-гуруҳ учун терапевтик чора-тадбирларни ўрганиш натижаларида зўравонлик ва психоэмоционал хусусиятларининг дастлабки кўрсаткичлари таққосланди ва стоматологик даволаш якунида пастки жағ ҳаракатларида юқори жағ нисбатида ижобий ўзгаришлар кузатилмайди; руҳий-ҳиссий самарадорлик эса сезилмас кўрсаткичларда қолган (3-расм).


Кўрсаткич ўзгаришини баҳолаш учун ҳар бир гуруҳда аҳамиятли динамика мавжудлигини кўрсатган Вилкоксон мезони қўлланилди.

Даволашдан сўнг 2-гурухнинг уч беморида оғизни очиш амплитудаси 36-40 мм лигича қолди, 1-гурух беморларида оғизни очиш амплитудаси 40 мм дан ошди.



3-расм. Оғриқ синдроми бўлган 2-гурухдаги беморларда ортопедик даволанишдан сўнг чакка-пастки жағ бўғими оғриқ дисфункцияли беморларнинг психоэмоционал ҳолати

2 ва 1-гурухларда ҳам даволашдан сўнг оғизни очиш амплитудаси меъёрлашувининг ижобий динамикаси мавжуд, лекин 1-гурухда 19,9% беморларда даволаш самарадорлигини ҳисоблаш формуласига кўра амплитуда яхшироқ тикланди (4-расм).



4-расм. Ўрганилган гуруҳларнинг кўрсаткичлари

Беморлар гуруҳларида даволашнинг умумий самарадорлиги даволаш самарадорлигининг алоҳида кўрсаткичларининг ўрта арифметици сифатида аниқланди ва $11,56 \pm 2,2$ % ни ташкил қилди.

ХУЛОСА

1. ЧПЖБ ноартикуляр дисфункцияси синдромларининг шаклланишида жуда кўп умумий ва маҳаллий омилларнинг аҳамиятли ўрни мавжуд. Улар орасида тиш-жағ тизими, асаб-мушак аппарати, психологик хусусиятларидаги бузилишларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. ЧПЖБ оғриқли синдромининг энг юқори интенсивлиги психологик бузилиши мавжуд беморлар орасида кузатилган. Юзнинг пастки учдан бир қисмининг баландлиги пасайиши негизда кечадиган ЧПЖБ оғриқли синдромини маҳаллий даволашда тишлов баландлигини кўтариш билан чегараланиш самарасиздир. ЧПЖБ оғриқли дисфункциясини комплекс даволашда – когнитив хулқ-атвор терапиясини қўллаш маҳаллий давога нисбатан самарали эканлиги, даволашнинг эрта муддатларида оғриқ синдроми интенсивлигининг камайишига ($p < 0,01$), беморларнинг психологик ҳолати яхшиланишига ($p < 0,01$), юзнинг пастки учдан бир қисми баландлигининг кўтарилишига, оғриқли синдром муддатларининг қисқаришига ва даволаш курси якунланганидан сўнг натижаларнинг турғунлигига олиб келади.

2. Когнитив даволашнинг самарадорлиги таҳлили беморларда руҳий-ҳиссий бузилишлар тузилиши кўп жиҳатдан оғриқли дисфункциясида шаклланган хавотир (22%), ипохондрик (10%) ва депрессив кечинмалар билан тавсифланиши комплекс терапия натижаларини асослайди ($p < 0,01$). Юзнинг пастки учдан бир қисми баландлигининг пасайиши негизда ривожланадиган ЧПЖБ оғриқли синдромида даво чорасини ишлаб чиқишда психологик, ижтимоий, функционал ёндашувлар мажмуааси даволаш самарадорлигининг ошишига, даво муддатининг қисқаришига, бемор компетентлигига ва тиббий ёрдам сифатига ижобий таъсир қилади.

3. Юзнинг пастки учдан бир қисми баландлигининг пасайиши негизда кечадиган ЧПЖБ оғриқли синдроми мавжуд беморларни комплекс даволаш мўтадил ва ифодаланган хавотир-депрессия кечинмалари бўлган беморларда тиббий психолог иштирокида “интизомлараро ёндашув” негизда ўтказилиши касаллик кечиши оғирлиги кўрсаткичларини - 12-40 балли чайнов мушакларида парафункция оғирлигининг енгил даражаси томон силжишига олиб келади.

4. Ишлаб чиқилган даво комплекси чайнов мушаклари парафункцияси даволаш натижалари, тўлиқ тузалган – касаллик белгиларининг 100% камайиши кўрсаткичи томон силжишига; миогимнастик машқларни тизимлаштириш, ҳолатини қайта тиклаш, триггер нуқталарини инактивацияси, оғизни очишда пастки жағ ҳаракатлари меъёрлашувида, чайнов мушакларининг ритмик координациясида, маълум мушак гуруҳлари фаолияти яхшиланишида, тинчланишида, бўйин мушаклари фаолиятини қайта тикланишида ўз аксини топди.

5. Чакка-пастки жағ бўғими патологияси ва чайнов мушакларининг парафункцияларига эга беморларни комплекс даволашда гавдани тузатиш учун миогимнастик машқлар ва индивидуал стелкалар қўллашнинг умумий самарадорлиги аниқланди, у анъанавий даволаш усуллари билан таққослаганда $11,56 \pm 2,2$ % ижобий натижани ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

АЛИЕВ НАВРУЗ ХАСАНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЕ
НЕАРТИКУЛЯРНОЙ ПАТОЛОГИИ ВИСОЧНО-
НИЖНЕЧЕЛЮСТНОГО СУСТАВА**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.3.PhD/Tib1434

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (русском, узбекском, английском (резюме)) размещён на веб-странице (www.bsmi.uz) и на Информационно-образовательном портале “Ziyonet” по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель

Гаффоров Суннатулло Амруллаевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты

Шукурова Умида Абдурасуловна
доктор медицинских наук

Махкамов Мохир Эргашевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация

Таджикский государственный медицинский университет имени Абу Али ибни Сино ТГМУ (Таджикистан)

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc/PhD..04/30.12.2019 Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте. Адрес: 200118, г.Бухара, улица А.Наваи 1. Тел./факс: (+998 65) 223-00-50; (+99865 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № ____). Адрес: 200118, г.Бухара, улица А.Наваи 1. Тел.: (+998 65) 223-00-50; (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2021 года).

А.Ш.Иноятов

Председатель научного совета по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Н.Ачилова

Ученый секретарь научного совета по присуждению научных степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам

Н.А.Нуралиев

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всём мире у пациентов с болевой дисфункцией височно-нижнечелюстного сустава чаще наблюдаются жалобы на суставы, уши, область челюсти и головные боли, ограничение в рамках движения нижней челюсти, покалывание, онемение, сдавливание, жалобы на то, что нижняя челюсть во время сна не находит удобного и спокойного положения. «Заболевания височно-нижнечелюстного сустава формируются под влиянием различных этиологических факторов и довольно часто встречаются среди стоматологических и артрологических заболеваний. Среди них выделяются дисфункциональные состояния, артикулярные патологии височно-нижнечелюстного сустава, для которых характерны артриты, артрозы, анкилозы и их гармоничные формы»¹. Это состояние является поводом для беспокойства пациентов; приводит к депрессии, потере аппетита, нарушениям сна, неуверенности в восстановлении после болезни. Особое внимание уделяется исследованиям, направленным на совершенствование диагностики и лечения ноартикулярной патологии височно-нижнечелюстного сустава.

В мире во многих случаях часто наблюдается использование магнитно-резонансной томографии для диагностики патологий височно-нижнечелюстного сустава, но при этом ряд неэффективных результатов магнитно-резонансной томографии - во-первых, не рекомендуют частые использование магнитно-резонансной томографии, во-вторых, вывих. и невозможность получить полную информацию о степени возбудимости, а также о наличии у пациентов клаустрофобии. Научные исследования по использованию магнитно-резонансной томографии, ультразвукового исследование, рентгенологического исследований в диагностике пациентов с патологии височно-нижнечелюстного сустава, проводятся очень редко, и критерии дополнительного применения магнитно-резонансной томографии и ультразвуковых волн, направленных на улучшение диагностики при патологиях общих и внутренних органов, не разработаны. В то же время существуют проблемы со своевременным выявлением и диагностикой внесуставных заболеваний внутренних органов тела и патологии височно-нижнечелюстного сустава, грыжи межпозвоночного диска и вторичных болевых синдромов, вызванных внешними факторами.

В нашей стране можно перечислить меры, направленные на улучшение образа жизни населения страны, коренное решение существующих проблем в политико-стратегической, экономико-социальной сферах, определяемые пятью приоритетными направлениями развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в том числе такие, как «...приведение медицинского обслуживания населения в соответствие с требованиями международных стандартов здравоохранения и снижение заболеваемости в различных

¹ Хватова В.А. Заболевания височно-нижнечелюстного сустава - М.: Медицина, 2008. – С. 157.

регионах страны...»². При выполнении этих задач ставится цель проведения научных исследований, направленных на устранение неартикулярных патологий, наблюдаемых в медицинской сфере, особенно в стоматологии, ВНЧС - совершенствование диагностики, лечения и профилактики заболеваний пациентов. Направленная на решение одной и той же проблемы – оказание качественной медицинской помощи, назначение болевых дисфункций височно-нижнечелюстной сустав пациентам, специфичным для неартикулярного описания; разработка эффективных методов диагностики, лечения и улучшения может потребовать дополнительных научных и практических исследований, которые определили цель, функцию и важность этой выполненной научной работы.

Данное диссертационное исследование служит в определенной степени выполнению задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 12 ноября 2020 года ПУ-6110 «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», Указе Президента Республики Узбекистан от 10 ноября 2020 года ПУ-4887 «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения» и 12 ноября 2020 года ПП-4891 «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике» и выполнению задач, изложенных в других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

